O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 2 март, чоршанба • № 18 (11.717) • Эркин нархда сотилади

• Вилоят ҳокимлигида

## ТАНҚИДИЙ НАЗАР БИЛАН

**Тошкент вилояти ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, гуруҳ ва котибиятлар, бошқармалар, йирик корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.**
**Йиғилишни вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.**

Йиғилиш иштирокчилари 2004 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, жорий ва истиқбол режаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар асосида муҳокама қилишди.

Вилоятни ўтган йил мобайнидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш натижаларига танқидий назар билан ёндошилиб, асосий эътибор йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Ўтган йил иқтисодиётни ривожлантириш борасида муҳим ўрин тутганлиги маълум. Саноат ишлаб чиқариши барқарор ривожлана бориб, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш кўпайди, вилоятнинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида 17 миллиард сўмлик соф фойда олинишига эришилди. Юзлаб янги фермер хўжаликлари ташкил топди. Натижада пахтанинг 42, ғалланинг 40 фоизи хусусий сектор томонидан етиштирилиши таъминланди.

Лекин юқорида таъкидланганидек, йиғилиш иштирокчилари асосий эътиборни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштиришга тўғаноқ бўлган нуқсонларга қаратишди. Жумладан, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларини кредит маблағлари билан таъминлаш жараёнидаги эътиборсизлик, юзакичилик ҳолатлари алоҳида кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги фаолиятларига сунъий тўсиқ қўйиш ҳолатлари кескин қораланди.

Йиғилиш иштирокчилари тадбиркорларга назорат қилувчи органлар, идоралар томонидан жарималар қўллаш жазоси ҳамиша ҳам ўзини оқламаётганини таъкидлашди. Афсуски, баъзи текширувчилар, назорат идораларининг айрим раҳбарлари бугунги куннинг тамойили тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдан иборат эканлигини ҳалиҳануз чуқур илғаб олмаётганликларини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Баҳор ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ҳадемай, пахта далаларида, ғаллазорларда, сабзавот пайкалларида кўкламги ишлар қизғин тус олади. Шундай бир шароитда қишлоқ хўжалик механизмларини мавсумга тайёрлаш, экинлар ҳосилдорлигини кўтариш учун барча имкониятларни ишга солиш лозимлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.



## ҚАДР ТОПГАН ҚАДРИЯТ

**Ўлкамизга янги келинчак мисоли бор бисоти-сепини ёйиб фасли баҳор кириб келди. Кечагина қиш асири бўлиб ётган мудроқ борлиқ бугун уйғоқ. Она-замин кўкдан либос киймоқда. Бодом, ўрик, шафтоли дарахтларининг куртаклари бўртиб қолди. Қушлар нағмасида ўзгача оҳанг. Каттаю кичик — барча-барчанинг чеҳрасига баҳорий илиқлигу наҳорий тиниқлик югурган.**

*Ҳар баҳорда*
*шу бўлар такрор,*
*Ҳар баҳор ҳам*
*шундай ўтади...*

Эрта-индин бутун Шарқ олами Наврўзни нишонлайди. Кўкараётган ҳар бир майса, ҳар бир гиёҳда яшашга, яшаришга иштиёқ ҳукмрон. Гўзаллик, уйғониш, тириклик фаслига яна етиб келгани учун шукроналар айтмоқда.

Асрлар оша аждодлардан мерос бўлиб келаётган Наврўз байрами ҳар йил юртимизга ўзгача шукуҳ бахш этади. Хўш, Наврўз қандай байрам ва у қай тариқа нишонланади?

Қатор тарихий асарларда Наврўз ҳақида турли маълумотлар бор. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай ёзилган: «У кунни Наврўз деб аташнинг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва бу кун «Наврўз» — «Янги кун» деб аталди».

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида эса, бу кун табиатдаги ажиб ҳодисотлар билан узвий боғлиқ эканлиги илмий асосларда баён этилади: «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хурсанд бўлади ва фароғатда яшайди...»

Наврўз байрами неча кун давом этган, деган саволга Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридан жавоб топиш мумкин. Асарда баён этилишича, ўша даврда подшоҳ биринчи кун Наврўз байрамини очиб, халқни қабул қилиш ва уларга эҳсон тарқатиш мақсадида тахтга ўтиради. Иккинчи куни

(Давоми 2-бетда).



## КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

**Зангиота туманидаги «Бўзсув» ширкат хўжалиги асосан икки соҳага ихтисослашган. Хўжалик деҳқонларининг биринчи галдаги муҳим вазифалари — вилоят сабзавоткорларига асосий экин турлари уруғини етиштириб бериш.**

Иккинчи йирик соҳа — ғаллачилик. Оилавий пудратчилар буғдойнинг «Крошка» нави агротехникасини мукаммал ўрганишган. Улар ҳар йили жами 760 гектар экин майдонининг қарийб учдан икки қисмида ғалла етиштиришади. Масалан, ўтган йилда 480 гектар ернинг ҳар гектаридан 49 центнердан ошириб ҳосил олиниб, 2366 тонна ғалла етиштирдилар. Давлатга сотилган 943 тонна маҳсулотнинг 431,6 тоннаси уруғлик дон сифатида қабул қилинди. 300 тоннадан зиёд буғдой шартнома режасида белгиланганидан ошириб ҳосил етиштирган пудратчиларнинг ўзларига қолди. Гектаридан 80-86 центнердан хирмон кўтарган Фатҳулла Мирзаев, Зиё Бойбобоев, Умид Тиллаев каби тажрибали пудратчилар мўмай даромад эгаси бўлишди.

Кейинги йилларда ғаллачилик хўжаликка барқарор ва салмоқли даромад келтирадиган тармоққа айланди. Хусусан, ўтган йили шу тармоқ келтирган 376 миллион сўм даромаднинг 138 миллион сўми соф фойдага қолди.

Айни кунларда кўкламги экин-тикин ишларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ҳал қилувчи паллага кирди. Аввало, экиш мавсуми билан боғлиқ барча техника воситалари ишга шай қилиб қўйилган, суғориш шохобчалари сифатли тозаланиб, тартибга келтирилган.

Ғалла учун ажратилган 480 гектар майдоннинг ҳар гектарига экиш олдидан 100 килограммдан аммофос ўғити берилиб, уруғлик қулай ва қисқа муддатда экилгани боис қийғос ва текис униб чиқиб, қалин туплади ва бу йилги қиш совуғидан яхши ўтди. Энди 112 нафар оилавий пудратчи ҳам мўл, ҳам сифатли дон олиш мақсадида ғаллазорлар бошига иложи борича кўпроқ маҳаллий ўғит чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Умуман, бугунги кунгача далаларда юздан зиёд ҳандақ қазилиб, 1800 тоннадан ортиқ гўнг чиқарилди. Унинг асосий қисмини буғдойга шарбат усулида оқизиш режаланган. Қолгани уруғлик учун мўлжалланган сабзавот экинларига берилади.

Хўжаликда маҳаллий ўғит тўплаш ишлари ҳамон тўхтагани йўқ. Ҳар куни тўртта трактор тиркамаларида дала бошларига гўнг ташилмоқда. Мақсад — экинларга минерал ўғитлардан ташқари қарийб 3000 тонна маҳаллий ўғит беришдир.

Бу йилги режага мувофиқ 160 гектар майдонда сабзавот экинлари уруғи етиштирилиши зарур. Асосий эътибор помидор, карам, редиска, кашнич, қовоқ каби эҳтиёж кучли бўлган экинларга қаратилади. Гектаридан 60 килограммдан помидор, 500 килограммдан карам ва кашнич уруғлари олиш режалаштирилган. Айни пайтда хўжалик иссиқхонасида помидор уруғини экиш билан бирга, уруғлик сабзавотга мўлжалланган ерларни кўкламги экишга тайёрлашга киришилди.

*СУРАТДА: хўжалик бош механиги Рустам Жулқабоев ҳадемай далаларга олиб чиқиладиган техникаларни яна бир бор текширувдан ўтказмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

### 2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 февраль.

• 2 март – Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

**Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил 2 март куни аъзо бўлди. Ўша кундан бошлаб Ўзбекистоннинг давлат байроғи ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди.**

Ўзбекистон ва БМТ ўртасида кенг миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бундай фаол муносабатнинг шаклланишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқаро интеграцияни кучайтиришга, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда.

БМТ дунё мамлакатлари учун ўзига хос минбардир. Ундан Ўзбекистоннинг дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, террорчилик, гиёҳвандликка қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббуслари кўп бор жаранглаган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ минбари орқали дунё эътиборини Афғонистонга, Орол муаммосига қаратди. Ўзбекистон нуқтаи назарининг нечоғли тўғри ва асосли эканлиги бугун кенг эътирофда.

БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб муҳим таклифларни билдирди.

Ўша саммитда Президентимиз дунё жамоатчилиги эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди. Бугунги кунда Орол инқирози жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини иқлимнинг ўзгариши ва биологик мувозанатнинг бузилишида, аҳоли саломатлигига таъсирида кўриш мумкин. Шу боис Президент Ислом Каримов экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузиш таклифини билдирди.

1999 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммитида Президент Ислом Каримов БМТ ҳузурида террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Мазкур ғоя 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши билан амалда ўз ифодасини топди.

Айни пайтда Ўзбекистон БМТнинг террорчиликка қарши 12 конвенциясининг барчасига қўшилган. Шунингдек, мамлакатимиз ташкилотнинг наркотрафикка қарши кураш бўйича қатор конвенцияларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

2000 йил 19-20 октябрда Тошкентда БМТ ва ЕХҲТ ташаббуси билан «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда умумий ёндашув» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласи Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларида муҳим ўрин тутади. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу ташаббус Бош ассамблеянинг қатор резолюцияларида қўллаб-қувватланган.

Жорий йилнинг 7-9 февраль кунлари Тошкентда БМТ шафеълигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Унда томонлар шартнома лойиҳаси матнини тасдиқлади. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёноти имзоланди.

Мамлакатимизда БМТ ваколатхонаси ҳамда унинг шафеълигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Тараққиёт дастури, Гиёҳвандликка қарши кураш дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби қатор муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ янги вазият, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши БМТ тузилмаларининг ислоҳотини тезлаштиришни тақозо этяпти.

Ташкилотнинг барча минтақаларга бирдек эътиборини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири. Шу маънода, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатларига эътиборини янада кучайтириш зарурати бор. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг 2002 йил октябрда юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу масалани алоҳида таъкидлади. Кофи Аннан Ўзбекистоннинг дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Бу эса мамлакатимизнинг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар орасида муносиб ўрингa эга эканини тасдиқловчи яна бир эътирофдир.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

• Мардлар қўриқлайди Ватанни

## БУРЧГА САДОҚАТ

**Тошкент ҳарбий округининг Сафарбарлик чақирув резерви батальони хизматчиларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

— Сафарбарлик чақирув резерви хизмати тури мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг самарасидир, — деди батальон командири Мурод Солиев. — Йигитларимиз ушбу ойлик йиғин машғулотларида ҳарбий хизматни ўтаб, жисмонан чиниқадилар. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, яқинда ўқув биноси ва ётоқхона замон талабларига мувофиқ таъмирланди, ўқув-услубий қўлланмалар билан жиҳозланди. Машғулотларни малакали кадрлар олиб боришади.

Ҳарбий хизматчилар бир ой давомида амалий кўникмаларга эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, замонавий қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий тактика ва жисмоний машғулотлар, умумҳарбий низомлар ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий фанларни мукаммал ўзлаштирадилар.

— Ушбу янги хизмат тури ҳақида эшитгандим, — дейди Паркентнинг Ҳисорак қишлоғидан келган оддий аскар Дилмурод Рўзиев. — Бу ерда яратилган шароитлар, қатъий тартибдаги кундалик машғулотлар бизни обдон чиниқтирди. Ёшлигимдан устозларим кўмагида жисмоний жиҳатдан тобланиб, камол топганлигим боис, хизмат давомида яхши натижаларга эришдим. Гуруҳ командиримиз лейтенант Равшан Тўхтаев ва сержантимиз Мурод Матқосимовлардан ҳарбий хизматчига хос матонатни, кўникмаларни ўргандим.

Сафарбарлик чақирув резерви хизматчиларининг ҳарбий қасамёд маросимида Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, жамоат ташкилотлари вакиллари ва хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.



**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

**Қибрай туман хотин-қизлар қўмитаси қишлоқ ва маҳаллалардаги диний-маърифий ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Тумандаги Оққовоқ, Май, Чинобод ҳамда Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли вакиллари ва мутасаддилар иштирокида очиқ мулоқотлар, ўқув-машғулотлар ташкил этилди. Уларда асосан ёшлар тарбияси, маҳаллалардаги маънавий муҳит, оила, хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш борасида сўз бориб, бунда маслаҳатчиларнинг фаоллиги беқиёс аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

### Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилояти ташкилотининг III уюшмалараро конференцияси бўлиб ўтди

— Касаба уюшмаларининг жуда кўп қурултойлари, йиғилишларида иштирок этганман, лекин ҳеч қачон бугунгидек жонли, самимий, касаба ташкилотларининг иш натижалари учун чинакам жонкуярлик руҳи билан йўғрилган фикр алмашувни кузатиш насиб қилмаган эди...

«Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси Анатолий Бугаев конференциядаги нутқини шундай бошлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари фахрийларидан бири шундай деганида мутлақо ҳақ эди. Гоҳи анжуманларда кузатиладигани сингари дабдабали, лекин зерикарли муҳит ҳам, йиғилиш раёсати билан иштирокчилар ўртасидаги бир-бирини «англамаслик» кайфияти ҳам бу йиғинда сезилмади. Дарҳақиқат, ҳисобот конференцияси, айтиш мумкинки, унчалик оддий бўлмаган бугунги шароитларда касаба ташкилотларининг меҳнат жамоаларидаги етакчилик мавқеини кўтариш, ишловчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашдан иборат бош мақсадини рўёбга чиқариш руҳида ўтди ва ҳар қандай расмиятчиликдан холи бўлди. Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг 1999 йил ноябрь ойидан кейинги ўтган бутун ҳисобот даври фаолияти хусусидаги ниҳоятда бой маълумотлар делегатларга тақдим этилди, ташкилот фаолиятининг барча йўналишларидаги саъй-ҳаракатлар мукаммал акс этган кинофильм намойиш қилинди. Касаба ташкилотларининг ҳисобот даврдаги фаолияти рисола тариқасида чоп этилиб, фаолларга тарқатилди. Айрим йирик касаба қўмиталари бевосита меҳнат жамоаларида олиб бораётган ишлар — спорт-соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, ишловчиларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалалари алоҳида стендларда акс эттирилди. Шу боис касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова ўз маърузасида ҳисобот даврида қилинган ишлар, эришилган натижаларни таъкидлашга вақт сарфламади. Маърузачи

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИ

**«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси Ўзбекистон тижорат банкларининг 2004 йилдаги молиявий фаолияти якунларини сарҳисоб қилди.**

Рейтингда республикадаги 32 банкнинг 26 таси қатнашди. Компаниянинг қайд этишича, рейтингда иштирок этиш мутлақо ихтиёрий ва бирор-бир банкнинг бунда қатнашмаслиги унинг молиявий қийинчиликлари борлигини англатмайди.

Ўтган даврда деярли барча тижорат банклари – рейтинг иштирокчилари ўзларининг молиявий салоҳиятини оширди. Йил давомида «Кўламдорлик» кўрсаткичи бўйича ўртача балл 22,78 фоизга кўпайди. «Рентабеллик» кўрсаткичи бўйича эса ўртача баллнинг ўсиши 2,6 фоизни ташкил этди.

Банклар гуруҳлари орасида қуйидаги банклар энг юқори ўсиш суръатларига эришди: «Кўламдорлик» кўрсаткичи бўйича – «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Ипак йўли» банки, «Ҳамкорбанк»; «Ишончлилик» кўрсаткичи бўйича – «Ғаллабанк», «Пахтабанк», «Кредит-Стандарт» банки, «Ипак йўли» банки; «Рентабеллик» кўрсаткичи бўйича – «Кредит-Стандарт» ва «Ипак йўли» банклари.

**Жамшид РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# НАРХИ ВА МУДДАТИ АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН

**Вилоят ҳокимлигида Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигида қуриладиган 450 ўринли касб-ҳунар коллежи, Чиноз туманида бунёд этилиши мўлжалланган 600 ўринли коллеж ҳамда қайта тиклаш йўли билан касб-ҳунар коллежига айлантириш мўлжалланган Янгийўл шаҳар техника мактаби объектлари тендер савдоси бўлиб ўтди.**

Натижаларга кўра Бўка туманидаги коллеж қурилиши «Бўка ПМК» ташкилотига топширилди. 1 миллиард 334 миллион 400 минг сўм қийматга эга ушбу қурилиш объекти етти ойда битказилиб, фойдаланишга топширилади.

Чиноз туманида бунёд этилажак коллеж объектини «Қибрай агроқурилиш мажмуа» очиқ акциядорлик жамияти 1 миллиард 635 миллион сўмга 240 кунда қуриб битказиш бўйича буюртмачилар билан шартнома тузди.

Янгийўл шаҳар техника мактаби бўйича «Шош инвест групп» очиқ акциядорлик жамияти тақдим этган ҳужжатлар барча талабларга жавоб берганлиги боис объект қурилиши ушбу ташкилотга топширилди. Ташкилотнинг таклифига кўра объект қурилишига 1 миллиард 425 миллион 300 минг 555 сўм сарфланиб, 270 кунда якунланади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

*• Қишлоқ мулкдорлари*

# ЕР – ХАЗИНА, ФЕРМЕР – ХАЗИНАБОН

**Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган жойда ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Буни вилоятимизда энг кўп пахта етказиб берувчи катта карвон – Бўка тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда ғалла тайёрлашнинг 30, пахта етиштиришнинг 38 фоизи фермерлар улушига тўғри келмоқда. Уларга 15 минг 200 гектар ер бериб қўйилган.**

«Ер ўзимизники, ҳалол меҳнат қилсак, янада бой-бадавлат бўламиз, қишлоғимизни яшнатамиз» деган фермерлар оз эмас. Деҳқон-фермерлар уюшмаси туман вакиллигида мақсадимизни англашгач, ана ўшандай мулкдорлардан бири билан мени учраштиришди.

— Ким нима деса десину, ерга, она заминга меҳрини берган одам бу дунёда сира кам бўлмайди, ишонаверинг, — деди саволимга жавобан фермер Тошмуҳаммад Чўлибоев. — Тўғри, ерни ўзгаларга сотаётган, минерал ўғитларни пуллаб, ёқилғисини бошқа мақсадларда ишлатаётган мулкдорлар ҳам йўқ эмас. Давлатимиз улардан нимани ҳам кутиши мумкин, ахир. Кўплар ерни алдаганлиги, шартномавий режаларни бажармаганлиги туфайли чув тушиб, бугунги кунда жарима тўлашяпти ҳам.

**— Хўш, сизнингча, замонавий фермер қандай бўлмоғи керак?**

— Қўлидан иш келадими-йўқми, қурби етадими-йўқми, «фермер бўламан» деб кўкка сапчийдиганлар оз эмас ҳозир. Ҳой инсон, эртангни ўйлаяпсанми?» десангиз кўрагига уриб, овозини кўтаради. Тендердан ўтолмаса, ёз-ёзга тушади. Ана энди ўзингиз ўйланг, техникаси йўқ, пахтачилик, ғаллачиликдан бехабар ер билан «тиллашолмаса», йўл бўлсин бундайларга. Боз устига ўн-ўн беш одамнинг бошини қовуштириб, муомала қилиш осон дейсизми? Иш бериб, яхшигина маош тўлаётган, тўй-ҳашамида бош-қош бўлиб юрган иқтисодий бақувват фермерларни ўзимиз кўраяпмиз-ку. Ярим йўлда қоқилиб, боши деворга, бурни ерга текканда кўзлари мошдек очилган «фермер»лар қуллуқ қилиб, ерларини топшираётгани ёлғонми?..

Булар — «Тошкентбой-Шуҳрат» фермер хўжалиги раҳбари Тошмуҳаммад Чўлибоевнинг юрагидан чиққан гаплар. У ўзи шахсий «МТЗ-80», «Т-28» тракторлари, чизель, культиватор қисмлари, бошқа турли механизмларга эга эканлиги учун айтаётгани йўқ бу фикрларни. 10 кишига иш ўринлари яратиб, пахтадан 36, ғалладан 45 центнердан ошириб хирмон уйганини ҳам рўкач қилмаяпти у. Йирик бир тумандаги 737 фермер сафида шартнома режасини илғорлар қаторида уддалаб, яхши даромад қилиб келмоқда. Бу хусусда сўз очмайди ҳам. Ҳеч қачон тилидан, дилидан техника тушмайди.

— Техникани суйган, тупроқни қадрлаган, меҳнатга меҳр боғлаган деҳқонга омад ҳамиша кулиб боқади, — сўзини давом эттирди у. — Фермерларга, мулкдорларга айтадиган очиқ, лекин аччиқ бир гапим бор: ерни алдаманг. Алдаган алданиб қолади. Ер бамисоли бир тирик мавжудот. Меҳнат қилиб тер тўкканга у ўзининг бағрини очади, хазинасини тўкиб сочади. Буни биз ҳаётда кўриб келаяпмиз-ку. Сувини, зарур дорисини, оби-тобида сифатли ишловини етарли олган буғдой бошоғини, ғўза шохларини кўтаролмай қолиши рост.

Фермер Тошмуҳаммад ана шулар хусусида куюнчаклик билан мулоҳаза юритди. Кўнглидагини тўкиб солди. Ирригация ва мелиорация ишларини вақтида бажариш, маҳаллий ўғит жамғариш, ерларни текислаб, жўяк олиб қўйиш долзарб, кечиктириб бўлмас вазифалардан деб ҳисоблайди. Бунга амал қилмоқда ҳам. Айни вақтгача 10 тоннага яқин маҳаллий ўғит буғдойзорлар бошига олиб чиқилди. Ниятлари эса уни 15-18 тоннага етказиш. Ариқ-зовурлар тозалаб қўйилган. 20 гектарга яқин ерини 50-60 гектарга етказиш режаси бор. Чорвачиликни ҳам ривожлантириш учун ҳаракатни бошлаб юборган. Бу билан биргина ўз оиласини эмас, балки қишлоқ аҳлининг сут, гўшт ва турли маҳсулотларга талаб-эҳтиёжларини қондиришга кенг имкониятлар яратилишини мулкдор жуда яхши билади. Ўшалар ҳақида, келгуси режалар хусусида ўйлайди-ю, уйида ўтиргиси келмайди, юраги қадрдон даласи томон талпинаверади. Ям-яшил бўлиб, кўзларни қувонтираётган буғдойзорларини қўмсайди, янги орзулар оғушида яшил майсазорлардан сира нигоҳини узолмайди. Инсон орзулар, эртанги истиқболли кунлар ташвиши билан яшагани, меҳнат қилгани яхши.

**Турсунали УСМОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*• 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

# ОРЗИГУЛНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

**Тошкент-Термиз йўлидан «Отайўл» автобуси Чиноз томонга елиб борарди. Беихтиёр икки аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолдик.**

— Чинозга меҳмонга бораяпсизми? — сўради суҳбатдошлардан бири.

— Йўқ, «Маданият» қўрғонига шифокор Орзигул Рустамовани излаб кетаяпмиз.

— Тошкентдек шаҳри азимдан-а?

— Ҳа, эгачи, Тошкентнинг Лабзак маҳалласиданмиз. Яқинда эллик ёшлардаги қўшнимиз шу ерда 12 кун даволаниб, отдай бўлиб қайтди. Биз ҳам ундан шифо топишга ғойибона ихлос қилдик.

— Амакининг дардлари оғирмиди?

— Сиз сўраманг, мен айтмай, етмиш яшар чолдек бўлиб қолгандилар қўшним бечора. Юзлари кўкариб, қовоқлари шишиб кетганди. Ҳансираб зўрға қадам босардилар. Жигарлари ҳам шишган экан. Ҳозир ёш йигитлардай бардамлар.

Бу суҳбат бизни Чиноз туманининг Турсунбой Эрназаров номли ширкат хўжалигидаги Орзигул Рустамованинг хусусий шифохонасига етаклади. Шифокор билан учрашиб, йўлдаги суҳбатни эсга олдик.

— Ҳа, Тошкентдан шундай бемор бизда даволанди, — деди шифокор. — Шифохонада ичак, жигар, буйраклари муолажалар натижасида тозалангандан сўнг, гиёҳ ва малҳамлар билан даволаниб, бутунлай тузалиб кетдилар. Қон босимлари ҳам меъёрга тушди.

— «Очлик ва малҳамнинг илоҳий кучи» мақолангиз «Чиноз ҳаёти» туман газетасида эълон қилингач, бу мавзуга қизиқиб, мурожаат этувчилар кўпайди. Беморларни даволашдаги ўзига хос услубингиз ҳақида гапириб берсангиз? — илтимос қилдик шифокордан.

— Очлик ва малҳам билан даволашда халқ табобати, шунингдек, замонавий тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланилади, — деди Орзигул Рустамова. — Лекин бу шифохонамизда қўлланилаётган ягона даволаш усули эмас. Мижозларимизнинг хасталикларига қараб, ташхис бўйича ҳар бир беморга алоҳида даво тайинлаймиз. Терапевт, кардиолог, уролог, реаниматолог, нервпатолог, гинекологлар беморлар хизматида. Мануал терапия усулидан ҳам фойдаланамиз. Шу ерда беморнинг йўғон ичаги, ўт қопи, жигар, буйрак, бўғимлари, қон томирларидаги чиқиндилар табиий малҳамлар билан тозаланади ва даволанади.

Бу ерда юрак касалликлари, ошқозон-ичак, жигар, ўт қопи, ўт-тош касаллиги, қон босими ошиши, остеохондроз, буйрак бўғим, мигрень, гинекологик ҳамда тери касалликларидан псориаз самарали даволанмоқда.

Касалхона ҳовлисига чиққанимизда, йигирма икки ёшлардаги Гулмира исмли қиз билан суҳбатлашиб қолдик. У шу ерда даволанаётган экан.

— Қўлларимнинг териси оқариб қолган эди, — деди у ўйга чўмиб, — дугоналаримга қўшила олмай қолдим. Ўн беш йил давомида турли усулларда даволандим. Лекин фойдаси бўлмади. Бу ерда эса...

Гулмиранинг кўзларида қувонч ёшлари йилтиради:

— Қаранг, бугун даволанаётганимга ўн саккиз кун бўлди, терим тозаланиб бораяпти.

Биз Орзигул Рустамова билан хайрлашар эканмиз, шифокор ўйчан жилмайиб, Гулмира сингари кўплаб беморлар ушбу даргоҳда даволаниб, лабларида кулгу билан ўз уйларига қайтганларини айтди.

— Ҳали дунёда биз билмаган табиат мўъжизалари, сир-синоатлари кўп, — таъкидлайди шифокор. — Халқ табобати хазинасида псориаз — тери оқаришининг ҳам давоси бор экан. Биз бу сир-синоатларни ўрганиб, одамларга фойдамиз тегаётганидан, уларга ҳаёт қувончларини бахш этаётганимиздан бахтиёрмиз.

**Орзиқул МАЪМУРОВ,**
**Абдужалол РАҲИМОВ.**

# ТАЛАБАЛАР ХИЗМАТИДА





Тошкент Давлат аграр университети поликлиникаси бир неча йилдан буён талабаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 30 нафар юқори тоифали шифокорлар университет ҳамда академик лицей талабалари саломатлиги учун масъул.

Поликлиниканинг 8 турдаги муолажа хоналари ва лабораториялар беморларга аниқ ташхис қўйиш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга.

«2005 — Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан тиббий маскан қошида ёшлар саломатлигини тиклаш маркази ташкил этишга киришилди.

***СУРАТЛАРДА:** поликлиника ҳаётидан лавҳалар.*

**С. ИКРОМОВ олган суратлар.**

# ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ

**Кейинги пайтда вирусли гепатит билан касалланганлар кўпайиши ва бу касаллик, айниқса, 14 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учраши кузатилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, гепатит тарқалиши жиҳатидан фақатгина грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялардан кейинги ўринни эгаллайди.**

Шундай экан, бу касаллик билан хасталанмаслик учун нималарга эътибор бериш керак?

Шуни унутмаслик керакки, фақат бемор одам инфекция манбаи ҳисобланади. А ва Е типдаги вирусли гепатитларда асосан шахсий гигиенага риоя қилмаслик касалланишга олиб келади. Айниқса, овқатланишдан олдин қўлни тозалаб ювмаслик, сабзавот ва меваларни ювмасдан ейиш, қайнатилмаган сувни ичиш катта хавф туғдиради. Е типидаги вирусли гепатитнинг характерли жиҳати — касаллик жуда оғир кечади ва кўп ҳолатларда, айниқса, ҳомиладор аёлларда ўлимга олиб келиши мумкин.

В, С ва Д типдаги вирусли гепатитлар қон ва қон препаратлари орқали юқади. Бу эса, турли тиббий-диагностик муолажалар пайтида одам қон ва қон препаратларини қабул қилаётганда, қон анализлари топшираётганда, турли хил операциялар пайтида ва сартарошхоналарда юқиши мумкин.

Ҳозирги кунда В типдаги вирусли гепатит маиший мулоқот ва жинсий алоқа пайтида ҳам юқиши мумкинлиги исбот қилинган. А ва Е типдаги вирусли гепатит касалликларида унинг яширин даври 7 кундан то 60 кунгача — ўртача 15-30 кун ҳисобланса, В, С ва Д типдаги гепатитларда 50 кундан 180 кунгача — ўртача 60-120 кун ҳисобланади. Инкубация даврида беморлар энг юқумли саналиб, атрофдагиларга катта хавф туғдиради.

Вирусли гепатитда дармонсизлик, иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниши, қусиш, эпигастрий ва ўнг қовурға остида оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. В, С ва Д гепатит касалликларида кўп ҳолатларда жигарда турли хил асоратлар кузатилиб, жигар комасига олиб келиши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида турмуш маданиятини кўтариш, шахсий гигиенага аҳамият бериш, аҳолининг қайнатилган ичимлик сувини истеъмол қилиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг тайёрланиши, ташилиши ва сақланишида санитария меъёрларига қатъий риоя қилиш керак. Шунингдек, қон ва қон препаратларини қатъий текширувдан ўтказиш, турли хил муолажаларда бир марта ишлатиладиган асбоб-ускуналарни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Н. ТОИРОВА,**
**вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокор-эпидемиологи.**

# Корхоналар сармоядорларни кутмоқда

**Пойтахтда Ўзбекистон кимё саноатининг бир қатор корхоналари тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (ДАК) ташкил этди.**

Тақдимот маросимида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, кимё соҳаси корхоналари раҳбарлари, хорижий компаниялар ва мамлакатимиз компаниялари вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги энг муҳим устуворликлардан бири хусусий тармоқ жадал ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётида унинг улушини кўпайтиришдир.

Республикада қулай инвестиция муҳити яратилгани, инвестиция ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қонунчилик асоси мавжудлиги, мустаҳкам хом ашё ва энергетика базаси, кадрлар салоҳияти Ўзбекистон кимё саноатининг жадал ривожланиши учун зарур шароит яратмоқда.

– Биз тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида чет эл сармоядорлари билан фаол ишлашга тайёрмиз, – деб таъкидлади ўз сўзида «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раиси F.Иброҳимов.

Тақдимот қатнашчилари эркин акция пакетлари хорижий инвесторларга таклиф этилаётган кимё саноатининг 6 корхонаси фаолияти билан таништирилди.

Мақбул инвестиция лойиҳалари ва мажбуриятлари таклиф этилса, хорижий инвесторларга сотилаётган акциялар пакетини кўпайтириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

**ЎзА.**

*• Мулоқотлар мавзуси*

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА МАҚСАДИДА

**Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси фуқароларни ишга жалб қилиш, айниқса, аёллар ҳамда вояга етмаган ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида туманларда қатор тадбирларни уюштирмоқда.**

Ташкил этилаётган учрашувларда бошқарма мутасаддилари, маҳаллий аҳоли ҳамда тегишли муассаса ва идоралар вакиллари иштирок этишмоқда. Очиқ мулоқотлар тарзида ўтаётган тадбирларда жойлардаги ишсизлик муаммосини узил-кесил ҳал этиш, аёллар ва ёшларни меҳнатга, касб-ҳунарга, илм олишга йўналтириш айни вақтдаги долзарб вазифа эканлиги таъкидланмоқда.

Шунингдек, бошқарма ва унинг туманлардаги бўлимлари шафелигида ҳудудларда меҳнат ярмаркалари ҳам ташкил этилмоқда.

**Шерали FАЙРАТОВ.**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**Фан ва таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кўрик-танлов ғолиби деб топилди ва тармоқ касаба уюшма кенгашлари марказий қўмитасининг фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

**Али АКБАРОВ.**

*• Саноат корхоналарида*

# СИФАТЛИ ТОЛА ОЛИНЯПТИ

**Чиноз тумани пахта тозалаш корхонасида ўтган мавсумда етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёни қизғин бормоқда. Шу кунгача 11 минг 823 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 3845 тонна тола олинди. Унинг асосий қисми олий ва биринчи нав хом ашёдир.**

– Иш уч сменада ташкил этилган, – дейди корхонанинг режа бўлими бошлиғи Азиз Матғозиев. – Суръат шу тарзда давом этса, 1 майга қадар қайта ишлаш якунланади.

Корхона бинолари ва техникалар тўла таъмирлангандан сўнг, ишлаб чиқариш қуввати бирмунча ошди. Ҳозир кунига 110 тонна тола тайёрланиб, Тошкентдаги Терминал омборларига жўнатиляпти.

Корхонада келгуси йил ҳосили учун уруғлик тайёрлаш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Ҳозиргача 1390 тонна уруғлик экиш учун тайёрлаб қўйилди. Уруғликнинг қарийб етмиш фоизи қўшни туманларга сотилади.

**Озод МАЪМУРОВ.**

# ЗИРА

Қадимги манбаларда «каммун» деб номланган зира таркибида 7,17 фоиз эфир мойи, 22 фоиз ёғ, 23 фоиз оқсил, 3 фоиз қанд ва бошқа фойдали моддалар борлиги қайд этилган.

Ибн Сино юрак безовталигини тўхтатишда, ҳиқичоқни қолдиришда, ел ва гижжани ҳайдашда, юзни тиниқлаштиришда, бурун қонаганида, ошқозон-ичак, жигар ва сийдик йўллари касалликларида, овқатни ҳазм қилишда, кўз нурини кўпайтиришда, совуқдан келган хафақонни даволашда зирани тавсия этган.

Халқ табобати амалиётида қора зира қайнатмаси ёки дамламаси камқонлик, меъда оғриғи, ичбурма (дизентерия), юз фалажи, бачадон ва жигар касалликларини, яра ва шишларни даволашда қўлланилади. У кўз қувватини оширади, балғам кўчиради, сийдик, ўт ва ел ҳайдайди.

Зира мойи танадаги зарарли микробларни ўлдириш хусусиятига эга. Зиранинг ҳидидан ҳашаротлар қочади.

Ивитилган ёки қайнатилган зира суви билан юз ювилса, юзнинг рангини очади. Қатиққа аралаштириб суртилса, латофатли ва юмшоқ қилади.

Қон босими юқори кишилар ярим чой қошиқ зирани қора ёки кўк чойга қўшиб, ярим литрлик чойнакда 15-20 дақиқа дамлаб ёки паст оловда 8-10 дақиқа тоблаб ичсалар, фойда беради.

Зира асалга қўшиб ейилса, пуштни кўпайтиради, сиркага қўшиб ейилса, пуштни камайтиради.

50 грамм долчин, 50 грамм тоғ райҳони, 5 грамм зира уруғидан тайёрланган аралашмадан бир ош қошиғини 600-800 грамм қайноқ сувда 2 соат дамлаб қўйилади. Совугач, докадан ўтказиб олинади, овқатланишдан йигирма-ўттиз дақиқа олдин бир-икки ош қошиқдан ҳар куни уч маҳал ичилади. Бу бод ва туз йиғилган бўғинларни даволайди.

Озгина зира уруғини туз билан қўшиб, истеъмол қилинса, меъда совуқлигини йўқотади.

Зира қайнатмаси ёш болали аёлларнинг кўкрак сутини кўпайтиради.

Қайнатмани тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга икки стакан сув (400 грамм), бир-икки чой қошиқ қора зира солинади ва уч дақиқа паст оловда қайнатилади. Сўнг бир ош қошиқ шакар солинади. Ушбу қайнатма совуганидан сўнг, докадан ўтказиб, кунига овқатланишдан йигирма дақиқа олдин 50 граммдан уч маҳал ичилади. Суви бурундан қон кетишини тўхтатади, кўзга томизилса, қизаришни бартараф этади.

Шунингдек, зира меъёридан ортиқча истеъмол қилинса, ранг-рўйни сарғайтириб, оздириб юборади. Ўпкага ҳам зарар етказиши мумкин.

Унинг қайнатмаси меъда шираси ошганида, гастритнинг гиператсид шаклида ҳамда меъда, ўн икки бармоқли ичак яраси хасталикларида салбий таъсир кўрсатади. Совуқ (рутубатли) мижозли кишилар учун фойдалидир.

**АБДУЛЛОҲ тайёрлади.**

